

УДК 619.616.61724.8.559.59

ТУБЕРКУЛЁЗ МУАММОСИ УНГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЧОРАЛАРИ

Мамадуллаев Г.Х. - вет.фан.доктори, катта илмий ходим
Ветеринария илмий тадқиқот институти.

Аннотация: Ушбу мақолада ҳозирги даврда одамлар ва ҳайвонлар туберкулёзи муаммосининг эпидемиологик, эпизоотологик, иқтисодий ва ижтимоий омиллари ҳамда ҳайвонлар туберкулёзига қарши курашиш, олдини олиш ва даволаш бўйича тиббиёт ва ветеринария соҳаларида жаҳон бўйича қатор устувор йўналишлар мезонлари ҳақида баён қилинган.

Калит сўзлар: ЖССТ -жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, DOTS – Directly Observed Treatment, Short-course– бевосита назорат остида қисқа муддатли фаол даволаш курси, USAID - туберкулёзга қарши курашиш халқаро ривожлантириш агентлиги туберкулёз, ППД туберкулин, микобактерия, МБТ, бовис, аллергия, туберкулинизация, патанатомия, бактериология,

Туберкулёз касаллиги қадим замонлардан буён инсоният олдида жиддий муаммолар туғдириб келмоқда ва уни баратараф қилиш кўп жиҳатдан эпидемиологик, эпизоотологик, иқтисодий ва ижтимоий омилларга боғлиқ.

Туберкулёз сурункали кечадиган юқумли антропозооноз касаллик бўлиб, 55 турдан ортиқ қишлоқ хўжалик ҳайвонлари, ёввойи ҳайвонлар ва муйнали ҳайвонлар ҳамда 25 тур паррандаларда учрайди. Туберкулёз - одамлар орасида ҳам кенг тарқалган касалликдир. Инсоният саломатлиги учун асосан туберкулёзнинг *M.tuberculosis* ва *M.bovis* турлари хавф туғдиради. Одамлар туберкулёзнинг қорамол тури билан асосан хом сут ва сут маҳсулотлари, шунингдек касал қорамол билан доимий контакт орқали касалликни юктириб олишлари мумкин. Туберкулёзнинг қорамол тури кўзғатувчисини одамлар организмидан 1-35% ҳолатгача ажратилиши мумкин. Дунё бўйича бир йилда чорвачиликка туберкулёздан 2 млн доллар миқдорида иқтисодий зарар келтирилмоқда.

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотига кўра, ер шари аҳолисининг тахминан учдан бир қисми организмда микобактериялар мавжуд ва ҳар бир сонияда инфекциянинг янги ҳолати рўй беради. Туберкулёз тарқалиши бутун дунёда нотекис бўлиб, кўплаб Осиё ва Африка мамлакатларидаги аҳолининг 80 фоизга яқини туберкулин синовларига ижобий натижа берса, ривожланган давлатларда, масалан АҚШ аҳолисида 5-10% аллергияга ижобий натижа аниқланган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотига кўра, 2015 йилда дунёда 10,4 млн одамда туберкулёз билан янги касалланиш ҳолати қайд этилган бўлиб, улардан 5,9 млн киши (56%) эркаклар, 3,5 млн (34%) аёллар ва 1,0 млн (10%) болалар орасида қайд этилган. Шу йили туберкулёздан 1,4 млн одамда ўлим ҳолати қайд этилган.

Ёр шари аҳолисининг тахминан учдан бир қисми организмда микобактериялар мавжуд ва ҳар бир сонияда инфекциянинг янги ҳолати рўй беради. Туберкулёз тарқалиши бутун дунёда нотекис бўлиб, кўплаб Осиё ва Африка мамлакатларидаги аҳолининг 80 фоизга яқини туберкулин синовларига ижобий натижа берса, ривожланган давлатларда, масалан АҚШ аҳолисида 5-10% аллергияга ижобий натижа аниқланган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотига кўра, 2015 йилда дунёда 10,4 млн одамда туберкулёз билан янги касалланиш ҳолати қайд этилган бўлиб, улардан 5,9 млн киши (56%) эркаклар, 3,5 млн (34%) аёллар ва 1,0 млн (10%) болалар орасида қайд этилган. Шу йили туберкулёздан 1,4 млн одамда ўлим ҳолати қайд этилган.

ЖССТ сайтларида таъкидланишича, ҳозирга даврда туберкулёз энг кўп ўлим келтираётган касаллик экан. Фақатгина 2017 йилда 10 млн одамга туберкулёз юққан ва 1,6 млн одам ҳалок бўлган (**Манба: <https://mir24.tv>**).

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида»-ги (11.05.2001й. №215-11) қонунига мувофиқ, асосий принципларининг 4-чи моддасига биноан эпидемиологик ва эпизоотологик текширишлар доимий ва изчилликда олиб борилиши шарт, ва 8-чи моддага мувофиқ белгиланган тартиб ва муддатларда мажбурий тарзда туберкулин ёрдамида ташхис қўйишдан ўтказди, деб белгиланган.

Ҳозирги даврда бутун дунё олимлари томонидан туберкулёз инфекциясини тадқиқ қилиш йўналишида касалликнинг жуда кўплаб жабҳалари ўрганилди ва аниқликлар киритилмоқда. Касалликнинг биологияси, асосий эпидемиологик-эпизоотологик қонуниятлари, патогенези, диагностикаси молекуляр-генетик даражада кенг тадқиқ қилинмоқда. Шунинг билан бир қаторда касалликка қарши курашиш учун кўплаб кимётерапевтик доривор воситалар кашф қилинмоқда. Бу борада илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда ҳайвонлар туберкулёзига қарши курашиш, олдини олиш ва даволаш бўйича тиббиёт ва ветеринария соҳаларида жаҳон бўйича қатор устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг туберкулёзига диагноз қўйиш усулини такомиллаштириш, қарши кураш, олдини олиш ва даволаш учун янги маҳаллий биопрепаратлар яратиш, мавжудларини такомиллаштириш тадқиқотларимизнинг муҳим устувор масалалари ҳисобланади.

2001-2018 йиллар давомида Республикамизда тиббиёт фтизиатриясида туберкулёзга қарши халқаро ДОТС дастури фаолият кўрсатди (DOTS – (Directly Observed Treatment, Short-course– бевосита назорат остида қисқа муддатли фаол даволаш курси). DOTS стратегияси асосида туберкулёзга қарши кураш дастурини татбиқ этиш натижасида касалликдан вафот этиш ва касалликка чалиниш ҳолатларини камайитиришга эришилди. Республикамизда туберкулёзга қарши кураш чоралари изчиллик билан амалга оширилиб, бу борада Ўзбекистон ва АҚШ нинг силга қарши курашиш халқаро ривожлантириш агентлиги (USAID) билан ҳамкорлигидаги дастури ҳам муваффақиятли йўлга

кўйилган. Ушбу дастурнинг жорий этилиши минглаб беморларни даволашда бекиёс натижа кўрсатди. Дастурни жорий этилиши асосан туберкулёзга қарши I ва II қатор туберкулоstatic препаратларни ўзаро комбинацияда қўлланилишига асосланган. Чунки, туберкулёзни монопрепарат терапиясига охириги йилларда касаллик кўзгатувчи штаммларнинг моно-, би- ва полирезистентлиги ошиб бориши кўплаб содир бўлиб бошлади. Бу муаммонинг олдини олиш учун тадқиқотчилар томонидан туберкулёзга қарши янги комбинацияланган препаратлар мажмуини яратиш бўйича кенг кўламли изланишлар ўтказилмоқда. Бизнинг тадқиқотларимиз ҳам шу йўналишда олиб борилди ва ВИТИ туберкулёзни ўрганиш лабораторияси базасида туберкулёзга қарши янги “Рифизостреп” препарати ишлаб чиқилган.

Туберкулёзга қарши курашишнинг амалдаги Йўриқномасига мувофиқ касалликка қарши курашиш фақат санитария усулида олиб борилиб, қорамолларнинг зотдорлиги, ёши, буғозлиги ёки маҳсулдорлигидан қатъий назар туберкулёзга аллергик текшириш жараёнида ППД туберкулинга мусбат реакция берган қорамолларни чорвачилик фермасидан гўшт комбинатларига, ёки махсус кушхоналарга сўйиш учун жўнатиш йўли билан бартараф қилиб борилади. Подада қолган шартли соғлом моллар организми эса амалдаги йўриқномада муҳофаза қилиш кўзда тутилмаган, соғломлаштириш учун фақатгина санитария усули қўлланилади. Шунинг учун бу жабҳада шартли соғлом мол организмини кимёпрофилактика услуби орқали муҳофазалаш ёрдамида фермада ҳайвон бош сонини сақлаб қолиш мумкин. Шунинг учун касалликка қарши ўз вақтида кимёпрофилактика услубини қўлланилиши кўплаб сўйилиб кетиши мумкин бўлган қорамолларни сақлаб қолишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Бу борада сўнгги 40-50 йил давомида кўплаб ривожланган давлатларда касалликка қарши кураш комплекс чора тадбирларида кимёвий препаратлар қўллаш ёрдамида олдини олиш ва қарши кураш усуллари кенг қўлланилди. Жумладан, АҚШ, Италия, Франция, Польша, Германия, Россия, Украина, Қозоғистон, Ўзбекистон ва бошқа давлатлар олимлари томонидан кенг қамровли тадқиқотлар ўтказилган ва бу услуб ёрдамида жуда кўплаб ҳайвонлар бош сонини туберкулёздан асраб қолишга эришилган.

Шу жумладан, ВИТИ туберкулёзни ўрганиш лабораторияси олимлари томонидан яратилган ЭТИС-1 препарати ёрдамида кимёпрофилактика қилиш услуби билан Республика бўйича 17000 бош қорамол туберкулёздан асраб қолинган. Кейинги тадқиқотларда ЭТИС-1 препаратини такомиллаштирилиши натижасида препаратнинг янги ЭТИС-2 варианты яратилди. ЭТИС-2 препарати кенг миқёсда лаборатория ва ишлаб чиқариш шароитида қорамоллар туберкулёзини олдини олиш ва қарши курашиш учун синовлардан ўтказилгач, ветеринария амалиётига тадбиқ этилди ва 9000 бошдан ортиқ қорамолларни туберкулёздан профилактика қилишга эришилган.

Туберкулёзни монопрепарат терапиясига охириги йилларда касаллик кўзгатувчи штаммларнинг моно-, би- ва полирезистентлиги ошиб бориши кўплаб содир бўлиб бошлади. Бу муаммонинг олдини олиш учун

тадқиқотчилар томонидан туберкулёзга қарши янги комбинацияланган препаратлар мажмуини яратиш бўйича кенг кўламли изланишлар ўтказилмоқда. Бизнинг тадқиқотларимиз ҳам шу йўналишда олиб борилди ва ВИТИ туберкулёзни ўрганиш лабораторияси базасида туберкулёзга қарши “Рифизостреп” препарати ишлаб чиқилди.

Туберкулёз қўзғатувчиларига қарши изониазид, фтивазид, рифампицин, рифабутин, стрептомицин, канамицин, пиразинамид, этионамид ва бошқа препаратларнинг бир-бирига ўзаро мутаносибликдаги комбинациялари касалликка қарши курашишда, айниқса резистент штаммларга қарши курашишда жуда фаол бактерицид натижа бериши охирги йилларда фтизиатрия фанида кенг тадқиқ қилинмоқда. Масалан, тиббиёт фтизиатриясида Ҳалқаро туберкулёзга қарши курашиш DOTS (directly objects short corse - қисқа муддатда фаол даволаш курси) дастурида касалликдан даволаш мақсадида бир неча хил туберкулостатик препаратлар комбинацияси қўлланилди ва ижобий даволаш самарасига эришилди. Биз ҳам ўз тадқиқотларимизда туберкулостатик препаратларнинг янги комбинацияси орқали қорамоллар туберкулёзига қарши такомиллаштирилган кимёпрофилактика услубини яратиш ва амалиётга жорий этишни мақсад қилиб олдик. Бунинг натижасида туберкулёз бўйича шартли соғлом ва носоғлом хўжаликларда кўплаб насли маҳсулдор қорамолларни касалликдан сақлаб қолишда янги препарат комбинацияси муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Мавзунинг бажарилиши натижасида чорвачилик соҳасида ҳайвонлар туберкулёз касаллигига қарши курашнинг янги технологик услуби яратилади. Янги препаратнинг ишлаб чиқариш технологик регламенти йўлга қўйилади. Ушбу услуб ёрдамида чорвачилик фермаларини туберкулёздан соғломлаштириш муддатлари кескин қисқаради. Касаллик бўйича носоғлом фермаларда шартли соғлом моллар организмининг химоя қилишга эришилади ва касаллик оқибатида келтириладиган катта ижтимоий ва иқтисодий зарарнинг олди олинади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Мамадуллаев, Г., Джуракулов, О., & Наврузов, Н. (2023). Резистентность и чувствительность возбудителя самонеллеза к антибактериальным препаратам. *in Library*, 3(3), 28-32.
2. Мамадуллаев, Г., Мадрахимов, Ш., Бойбулов, Б., & Амиров, Ш. (2023). СПРАВОЧНЫЕ показатели крови лошадей карабаирской породы. *in Library*, 4(4), 34-36.
3. Мамадуллаев, Г., & Усмонова, Х. (2023). Метод лечения и профилактики трихофитии крупного рогатого скота. *in Library*, 4(4), 105-114.
4. Мамадуллаев, Г., & Усмонова, Х. (2023). Способы лечения и профилактики трихофитии крупного рогатого скота. *in Library*, 3(3), 100-105.
5. Мамадуллаев, Г., Эгамова, Д., & Нематов, С. (2023). Лабораторные испытания туберкулина «ВИТИ БИОВЕТ». *in Library*, 4(4), 382-386.
6. Мамадуллаев, Г., Нематов, С., & Эгамова, Д. (2023). Влияние препарата «ТУБАЗИД-МАСКГ» на микобактерии туберкулеза. *in Library*, 4(4), 431-434.

7. Мамадуллаев, Г., Ибрагимова, Ф., & Даминов, А. (2023). Определение уровня острой и хронической токсичности синергического комбинированного препарата Фенцид премикс, применяемого в химиопрофилактике эймериозного колибактериоза у кур. *in Library*, 4(4), 106-110.
8. Эгамова, Д. Х., Нематов, С. А., & Мамадуллаев, Г. Х. (2022). “ВИТИ БИОВЕТ” ТУБЕРКУЛИННИНГ ЛАБОРАТОРИЯ СИНОВЛАРИ. *AGROBIOTEXNOLOGIYA VA VETERINARIYA TIBBIYOTI ILMIY JURNALI*, 382-386.
9. Ibragimova, F. D., Daminov, A. S., & Mamadullayev, G. X. (2022). TOVUQLAR EYMERIOZI KOLIBAKTERIOZ BILAN ARALASH KECHISHINING KIMYOPROFILAKTIKASIDA ISHLATILADIGAN FENSID PREMIKS SINERGITIKAR ALASHMALI PREPARATNING O 'TKIR VA SURUNKALI ZAHARLILIK DARAJASINI ANIQLASH. *AGROBIOTEXNOLOGIYA VA VETERINARIYA TIBBIYOTI ILMIY JURNALI*, 106-110.
10. Мамадуллаев, Г., & Усмонова, Х. (2022). Способ лечения трихофитии крупного рогатого скота препаратами Флуконазол и Бутасол-100. *in Library*, 22(3), 28-30.
11. Мамадуллаев, Г., & Нематов, С. (2022). Бактерицидное действие препарата «ТУБАЗИД-МАСКГ» на штаммы *M. tuberculosis* и *M. bovis*. *in Library*, 22(4), 19-23.
12. Мамадуллаев, Г., Файзиев, У., Тухлиев, А., & Джуракулов, О. (2022). Tuberkulyoz mikobakteriyalariga qarshi yangi tayyorgarlik IN VIVO sinovlari. *in Library*, 22(2), 14-18.
13. Мамадуллаев, Г., Файзиев, У., Джуракулов, О., & Тўхлиев, А. (2022). Новый препарат против микобактерий туберкулеза. *in Library*, 22(3), 11-14.
14. Мамадуллаев, Г., & Файзиев, У. (2022). О критериях аллергической реакции при туберкулезе и методах туберкулинизации. *in Library*, 22(2), 8-9.
15. Мамадуллаев, Г., Доскулов, В., & Ибрагимов, Ф. (2022). Ветеринарно-санитарная экспертиза препаратов, применяемых при заболевании туберкулезом крупного рогатого скота. *in Library*, 22(4), 1-6.
16. Мамадуллаев, Г., & Файзиев, У. (2022). Эпидемиологические и эпизоотические проблемы туберкулеза сельскохозяйственных животных и птиц. *in Library*, 22(2), 26-30.
17. Мамадуллаев, Г., Избасаров, У., Рузиев, З., & Усмонова, Х. (2022). Современные требования к лечению дерматозов сложной этиологии, трихофитии у людей, овец и коз. *in Library*, 22(2), 684-687.
18. Мамадуллаев, Г., Шомуротов, Ш., Ахмедов, О., & Тураев, А. (2021). Противотуберкулезная активность и фармакокинетика полимерных конъюгатов изониазида и этамбутола. *in Library*, 21(4), 23-27.
19. Мамадуллаев, Г., Наврузов, Н., & Елмуродов, Б. (2021). Роль хитозана в патоморфологии и иммунопрофилактике колибактериоза телят. *in Library*, 21(2), 25-28.